

Ш А Р Т Н О М А № 6
(Бинодан фойдаланиш харажатларини тўлаш бўйича)

“13” Анвар 2022 йил

Урганч шаҳри

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилоят кенгаши (кейинги ўринларда “**Кенгаш**” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раиси Э.А.Юсупов ҳамда **Хоразм гидрометеорология бошқармаси** (кейинги ўринларда “**Ташкилот**” деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари Ў.М.Аллаберганов ушбу шартномани қуйидагича туздилар.

1. Шартнома мазмуни

1.1. Кенгаш балансидаги Урганч шаҳар А.Баҳодирхон кўчаси 182-уйда жойлашган маъмурий бинодан жами майдони 80 м² бўлган хонани “**ташкилот**”га ушбу шартноманинг 8.1-бандида белгиланган шартнома амал қилиш муддатида фойдаланиш учун ажратиб беради.

1.2. Ташкилот кенгашнинг ҳисоб-варақлари асосида фойдаланилган майдон учун тўловларни ойма-ой ўз вақтида тўлаб боради.

2. Кенгашнинг мажбуриятлари

2.1. Кенгаш қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- а) уч кун муддат ичида ажратилаётган хонани ташкилотга бўшатиб бериш;
- б) авария бўлган ҳолатларда тезлик билан чоралар кўриш;
- в) ажратилган хизмат хоналари учун фойдаланилган коммунал хизматлар (электр энергияси, табиий газ ва сув) ҳақини тўлайди. Бундан умумовқатланиш фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар учун ажратилган хоналар мустасно;
- г) хизмат хоналарини, умумий фойдаланиш хоналарини тозалаш;
- д) ташкилот жойлашган хоналарда белгиланган лимитлар асосида коммунал хизматларни ташкил этиш;
- е) маъмурий бинонинг ховлиси ва унга туташ майдонларни ободонлаштириб туриш.

3. Ташкилотнинг мажбуриятлари

3.1. Ташкилот қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- а) фойдаланиш учун олинган хоналарни фақат белгиланган мақсадда ишлатиш;
- б) хоналарни яхши санитар ҳолатда сақлаш;
- в) кенгашнинг руҳсатсиз хоналарда турли ўзгартириш, қайта режалаштириш ва ўзга ташкилотларга бериш ёки бошқа ташкилот ва муассасаларга ижарага беришига йўл қўймаслик;
- г) ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш;
- д) электр чайниклари, сув қайнатгичлар ва иситиш қурилмаларидан маъмурий бинода фойдаланмаслик;
- е) ташкилот ва унинг ишчи-ҳодимлари техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилади ва ўзи жавобгар бўлади;
- ё) ташкилот томонидан ташкилотнинг айби билан маъмурий бинода бирорта кўзда тутилмаган фавқулодда ҳолатлар юзага келса, етказилган зарарни ташкилот тўлиқ ўз ҳисобидан тўлайди;
- ж) ушбу шартномада шартлашилган миқдордаги ижара ҳақини кенгашнинг ҳисоб рақамига ўз вақтида тўлаб бориш.

4. Тўлов ва ҳисоб-китоблар

4.1. Ташкилот фойдаланилган майдон учун тўланадиган тўловларни кенгашга ҳар келаси ой ёки чорак учун жорий ойнинг 25 санасидан 30 санасигача тўлайди.

4.2. Ташкилот тўловни кечиктирган ҳолларда ҳар бир кечиккан кун учун кечиктирилаётган қарздорликнинг 0,1 фоиздан жарима тўлайди.

4.3. Ташкилот фойдаланилган ҳар бир м2 майдон учун ойига 43125 сўмдан жами 80 м2 майдон учун 3450000 сўмни 3 ой давомида 10350000 (Ўн миллион уч юз эллик минг) сўм маблағларни кенгашнинг ҳисоб-варақлари асосида тўлайди.

4.4. Коммунал хизмат нархлари ошганда тегишли равишда бинодан фойдаланиш нархлари ҳам ошади. Бунда ҳар бир м2 майдон учун сарфланаётган коммунал хизматлар нархи қайта ҳисоблаб чиқилади ва мос равишда ажратилган майдон учун шартноманинг 4.3-бандига нархларни ошириш бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади.

5. Низоларни ҳал қилиш

5.1. Ушбу шартнома юзасидан тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятлар тарафлар ўртасида музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

5.2. Музокаралар олиб бориш йўли билан низони ҳал этиш имконияти бўлмаган тақдирда низо талабнома билдириш тартибига риоя қилинганидан кейин иқтисодий судига кўриб чиқиш учун топширилади.

6. Форс-мажор ва жавобгарликдан озод этиш

6.1. Томонларнинг ҳоҳиш истагига боғлиқ бўлмаган ҳолларда (ноқулай об-ҳаво шароитлари, зил-зила, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар туфайли) бажарилмаган ёки қисман бажарилмаганлиги шартнома шартларини ижро этиш бузилган деб ҳисобланмайди ва ушбу ҳолатда томонларни шартномани бажариш муддати келишилган муддатга кечиктирилади.

7. Бошқа шартлар

7.1. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига мувофиқ ўзгартирилиши, бекор қилиниши ва тўхтатилиши, ёки бир тараф шартнома шартларини бузган тақдирда иккинчи тарафнинг талабига кўра иқтисодий суднинг қарори билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

7.2. Шартномани бир томонлама бекор қилиш ёзма таклиф бериш йўли билан амалга оширилади. Таклиф олингандан сўнг 30 кунлик муддат ичида унга жавоб олинмаган тақдирда шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

7.3. Тарафлар ўзларини юридик манзиллари ва бошқа реквизитлари ўзгарганлиги ҳақида бир-бирларини 3 кунлик муддатда хабардор қилишлари шарт.

7.4. Шартномага ҳар-қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бажарилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳолдагина ҳақиқийдир.

7.5. Шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга ҳисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилади.

7.6. Шартнома муддати тугаган вақтда ташкилот хоналарни кенгашга топширади, келгуси йил учун янги шартнома тузмокчи бўлса, шартнома муддати тугашидан бир ой олдин муддатда хат билан кенгашга мурожаат қилади.

8. Шартномани амал қилиш муддати

8.1. Шартнома тарафлар томонидан имзолангандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 01 январдан 2022 йил 1 апрелгача бўлган давр учун амал қилади.

9. Томонларнинг юридик реквизитлари

**“Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг Хоразм вилоят кенгаши”**

Манзил: Урганч шаҳар А.Баходирхон 182-уй
Тел: 0(362)228-83-38

х/р: 20212000300431876001

АТ “Асака” банк Хоразм вилоят филиали

МФО: 00581, ИНН: 201943220

ОКЭД: 94200

Раис: _____ Э.А.Юсупов

(имзо)

Мў

Хукукшунос: _____

Хоразм гидрометеорология бошқармаси

Манзил: Урганч шаҳар А.Баходирхон 182-уй

Тел: 78 770 57 70

ШХР: 10001086033401704999158001

ИНН: 201059022 ОКЭД:

Молия вазирлиги газначилиги

х/р: 23402000300100001010

Марказий банк Тошкент ХХКМ

МФО: 00014

ИНН: 201122919

Раҳбар: _____

Ў.М.Аллаберганов

Мў

Хукукшунос: _____